01-09/11-04/485
19.04.2017

ТАСДИҚЛАЙМАН
Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси
_________ Қ.Сариев
"19" апрел 2017 йил

**Республикада аҳоли, айниқса аёллар ва ёшлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини бўйича**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| № | Тадбирлар мазмуни | Ўтказиш муддати | Масъул ташкилотлар | Эришилиши кутилаётган натижалар |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси даражасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар | | | | |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасида ва шаҳар, туман Хотин-қизлар қўмиталари қошида оилаларни мустаҳкамлаш, суицидларнинг олдини олиш, тушкунликка тушиб қолганларга психологик ёрдам бериш, сабабсиз ажралишлар сонини камайтириш мақсадида "Ишонч телефонлари"ни жорий этиш ҳамда уларда тажрибали психологлар фаолият олиб боришини таъминлаш | Ишонч телефонларини жорий этиш- 2017 йил апрель | Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари | Жойлардаги суицид ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш механизмлари ишлаб чиқилади ва олдини олинади |
| 2. | Таълим муассасаларида фаолият кўрсатадиган психологларни суицид ҳолатларини олдини олиш борасидаги тажрибаларини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган методик қўлланма ва тавсияларни жойларга етказиш | 2017 йил май | Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ўқув юртлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, | Таълим муассасаларидаги психологларнинг суицид ҳолатларини олдини олиш борасидаги билим ва тажрибасини оширишига эришилади |
| 3. | Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш ва | 2017 йил 3 чорак | Қорақалпоғистон Республикаси Хотин- | Жойларда аёлларни ижтимоий ҳимоялаш марказлари ишини |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | методик базасини яратиш | | қизлар қўмитаси , Адлия, Молия, Меҳнат, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Оила” маркази, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, шаҳар ва туман ҳокимликлари | такомиллаштириш ва методик базасини яратиш орқали турли салбий ҳолатларнинг олдини олишга доир тегишли амалий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқилади. |
| 4. | Таълим муассасалардиги психолог мутахассислар кучидан самарали фойдаланиш мақсадида уларни маҳаллаларда инқироз ҳолатидаги оила аъзоларига бириктириш ва “Ишонч телефонлари” орқали тушган мурожаатларнинг ҳал этилишига сафарбар этиш | Бириктирилиш 2017 йил Апрель Амалга ошириш-режа асосида | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, “Камолот” ЁИҲ, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” маркази | Ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олишда таълим муассасаларидаги психологлар имкониятидан самарали фойдаланиш тизими яратилади |
| **Ҳудудларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар** | | | | |
| 5. | Жойларда хотин-қизлар қўмиталари маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда ҳар бир маҳаллада истиқомат қилаётган муаммоли оилаларни аниқлаш, муаммолар сабабларини ўрганиш ва ҳар бир оилага тегишли мутахассисларни (маҳалла фаоллари, комиссиялар аъзолари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва ҳ.к) бириктириш ҳамда профилактика ишларни олиб бориш | Бириктириш-2017 йил апрель-май Профилактик ишларни олиб бориш-доимий | шаҳар ва туман ҳокимликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, “Камолот” ЁИҲ | Ҳудудлардаги аҳолининг суицидал хавфлилик кўрсаткичи тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилик даражаси таъминланади. Шунингдек, мавжуд камчиликларни бартараф этилишига эришилади |
| 6. | Суицидал жиҳатдан фаол ҳудудларда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган (зўравонликни бошидан | 2017 йил Режа асосида | Қорақалпоғистон Республикаси Хотин- | Руҳий тушкунликка тушиб қолган хотин-қизлар ва ёшлар томонидан ўз |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | кечирган, яқин одамини йўқотган ва ҳ.к) хотин-қизлар ва ёшлар учун хизматлар фаолиятини ташкил этиш ва уларга манзилли ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш | | қизлар қўмитаси, "Оила" маркази, шаҳар ва туман ҳокимликлари | жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш чоралари кўрилади |
| 7. | Маҳаллаларда тиббий патронаж хизматлари орқали руҳий касалланган беморларни вақтида аниқлаш, уларга тиббий-психологик хизматларни кўрсатиш | 2017 йил, апрель ойидан бошлаб, доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, шаҳар ва туман ҳокимликлари | Руҳий касалланган беморлар томонидан салбий ҳолатларнинг содир этилишини олди олинади |
| 8. | Ўз жонига қасд қилиб, тирик қолган хотин-қизларни соғлом ҳаётга тўлиқ қайтариш мақсадида уларга психологик ва моддий ёрдам бериш чораларини кўриш | 2017 йил апрель ойидан бошлаб, доимий | шаҳар ва туман ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси | Ўз жонига қасд қилиб, тирик қолган хотин-қизлар томонидан қайта бундай ҳолатлар содир этилишининг олди олинади |
| 9. | Таълим муассасаларида ўқувчилар давоматини назорат қилиш ва давомати паст ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш ҳамда уларни дарс жараёнларига қайтариш чораларини кўриш | Ҳар куни | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Касаба уюшмалари | Ёшлар ўртасида турли салбий ҳолатларнинг келиб чиқишини олди олинади ва уларни таълим жараёнига тўлиқ жалб этиш чоралари белгиланади |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, “Камолот” ЁИҲ | |
| 10. | Мактаб, лицей ва коллежлар психолог ўқитувчилар томонидан хулқида ўзгариш бўлган, муаммоли, салбий ҳолатларни содир этишга мойил бўлган болаларни аниқлашни ташкил этиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш | Доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари | Мактаб, лицей ва коллежларда турли салбий ҳолатларни келтириб чиқаришга мойил бўлган ёшлар аниқланади ва мавжуд муаммоларнинг олди олиниши таъминланади. |
| 11. | Таълим муассасаларида (боғча, мактаб, лицей, коллеж) ўтказиладиган:<br>тарбиявий соатларда болалар ва ўқувчилар ўртасида ота-онага хурмат, оила муқаддаслиги, ҳаётнинг қадрига етиш каби масалалар суҳбатлар ташкил этиш;<br>ота-оналар мажлисларида бола тарбиясининг нозик жиҳатлари, уларни камситмаслик, руҳиятига таъсир этувчи жазо чораларини қўлламаслик ва бошқа шу каби тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мавзуларда тушунтириш ишларини олиб бориш | 2017 йил апрель ойидан бошлаб, доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари | Ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар яхшиланади ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломлашишига эришилади |
| 12. | Корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар билан раҳбар ўртасидаги муносабатлар, одоб-ахлоқ қоидалари, бир-бирини ўзаро хурмат қилиш, хаётни қадрига етиш каби масалаларда “Маънавият соатлари”ни ўтказиш | 2017 йил апрелдан бошлаб, режа асосида | Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, Маънавият тарғибот маркази, шаҳар ва туман ҳокимликлари | Меҳнат жамоаларида ходимлар ўртасида ўзаро муносабат яхшиланади |
| 13. | Ҳудудларда муаммоли оилаларга хаётий тажрибага эга бўлган кекса авлод вакилларини бириктириб кўйиш ва шу орқали оилалардаги ижтиомий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашиш | Бириктириш 2017 йил апрель Амалга ошириш доимий | “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Халқ таълими вазирлиги, “Оила” маркази, шаҳар | Оилалардаги муамоларни ҳал этиш йўллари аниқланади, Муаммо чуқурлашмай, хатарли вазиятлар ўз вақтида ҳал этилади |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | ва туман ҳокимликлари | |
| 14. | Маҳаллий телевидениеларда оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Оила муқаддас”, “Ҳаётни қадрига ет”, “Психолог соати” ва бошқа шу каби очиқ мулоқот кўрсатувларини ташкиллаштириш | Йил давомида, алоҳида режа асосида | Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси, Шаҳар ва туман ҳокимликлари | Оила муқаддаслигини таъминлаш, оила қадриятлари ва инсон шаънини ҳимоя қилишга эришилади |
| 15. | Муқаддас диний китобларда ўз жонига қасд қилиш энг ёмон салбий ҳолат сифатида қайд этилганлиги, унинг оқибатлари бўйича аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган диний маърузалар тезисларини ишлаб чиқиш ва жойлардаги имом-хатибларга ҳамда отинойларга етказиш | 2017 йил апрель | Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Вазирлар кенгаши, шаҳар ва туман ҳокимликлари | Аҳоли ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг салбий оқибатлари бўйича таъсирчан тарғибот тушунтириш ишлари амалга оширилади |
| 16. | Ишлаб чиқилган диний маърузалар тезислари асосида худудлар имом-хатиблар ва отинойлар томонидан турли тадбирлар, оилавий маросимлар ва жума намозларида аҳоли ўртасида мунтазам тушунтириш-таоғибот ишларини ташкил этиш | 2017 йил апрель ойидан бошлаб, доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Мусулмонлар идораси, Дин ишлари бўйича вакил, “Маҳалла” хайрия фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари | Аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилишига эришилади |
| 17. | Жойлардаги дин ишлари вакиллари ва отинойларни муаммоси мавжуд бўлган оилаларни бириктириб чиқиш ва улар билан индивидуал ишларни олиб боришларини ташкил этиш | 2017 йил апрель | Дин ишлари бўйича вакил, Қорақалпоғистон Республикаси Мусулмонлар қозиёти, Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси хотин- | Аҳоли ўртасида ва оилаларда ўзаро соғлом психологик муҳит шаклланади ва салбий ҳолатлар олди олинади |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | қизлар кўмитаси | |
| 18. | Аҳоли ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш ишларига нодавлат ташкилотларни жалб этиш | Доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИҲ, шаҳар ва туман ҳокимликлари | Аҳоли ўртасида суицид ҳолатнинг олдини олиш ишларига нодавлат ташкилотларини “Ҳаётни севинг!”, “Ҳар ким БАХТни ўзи яратади!”, “Ҳар бир инсон қадрли” мавзуларида тадбирлар ташкиллаштириш орқали аҳоли ўртасида суицидал уринишларнинг олдини олиш самарадорлиги оширилади |